

Навоий вилоятида Президент топшириқлари ижроси юзасидан ўрганиш

Навоий вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ижроси ҳолати ўрганилди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан **1 170 та** ҳужжатдаги **9 564 та** топшириқ назоратга олинган бўлиб, шундан 2023 йил 24 март ҳолатига муддати келган **7 278 та** топшириқнинг **7 268 та**си (**99,8%**) бажарилган.

Ўрганишлар натижасида қатор **хато** ва **камчиликлар** аниқланди.

Ўрганиш давомида Навоий вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича 2017-2022 йилларда қабул қилинган **55 та** Фармон, **80 та** қарор ва **20 та** ташриф баёни, жами **155 та** ҳужжатдаги **56 та** топшириқ (*19 та Фармон, 29 қарор ва 8 та баён*) бажарилмаганлиги аниқланди.

Мисол учун, 2022 йил охиригача Навбаҳор туманидаги перинатал марказини қурилиш-таъмирлаш ишларини якунига етказиш топшириғи ўз вақтида бажарилмаган.

Ўрганиш натижалари вилоят ҳокимлигида муҳокама қилиниб, йўл қўйилган хато-камчиликлар учун вилоят ҳокимининг **3 нафар** ўринбосари, **1 нафар** котибият мудирини, **2 нафар** ҳудудий бошқарма бошлиғи ҳамда Навоий шаҳар ҳокими келгусида ўз ишида ижобий натижаларни таъминламасалар, уларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилиши ҳақида **қатъий огоҳлантирилди**, шунингдек **2 нафар** котибият мудирини, **5 нафар** туман ҳокимининг биринчи ўринбосарлари ҳамда “Ягона буюртмачи хизмати” ИК директорида **“ҳайфсан”** интизомий жазо чораси қўлланилди.